Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил 22 сентябрь ШАНБА

№ 76 (12.504)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## ЎЗБЕКИСТОН – ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

# УЗОҚ МУДДАТЛИ МАНФААТЛАРГА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК

*СЕУЛ. 20 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.*

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 19 сентябрь куни давлат ташрифи билан Сеулга келди.**

Ташрифнинг иккинчи куни Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон фидо қилган қарийб 170 минг одам хоки пойи осойиш топган Миллий ёдгорлик мажмуини зиёрат қилиш билан бошланди.

Давлатимиз раҳбари юрт озодлиги йўлида ҳалок бўлганлар хотирасига ҳурмат бажо келтириб, Миллий ёдгорлик мажмуига гулчамбар қўйди.

Икки мамлакат Президентларининг расмий учрашув маросими Корея Республикаси раҳбарининг қароргоҳи жойлашган "Чонг Ва Дэ" ("Мовий сарой") тарихий мажмуида бўлиб ўтди.

Ислом Каримов ва Ли Мён Бак очиқлик ва ҳамкорликни ривожлантиришга интилиш руҳида икки томонлама муносабатларга доир кенг кўламли, жумладан, ўзаро сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ҳамкорлик алоқаларига доир масалаларни, шунингдек, минтақавий ва халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги нишонланаётган йилда ўтаётган ушбу учрашув жадал ривожланаётган ва ўзаро ишонч билан йўғрилган Ўзбекистон – Жанубий Корея мулоқотларининг мантиқий давоми экани таъкидланди. 2011 йили Тошкентда ўтган олий даражадаги мулоқотнинг амалий натижаларидан бири сифатида икки мамлакат раҳбарлари иштирокида йирик қўшма лойиҳа – Сурғил кони негизида газ-кимё мажмуи қурилишига тамал тоши қўйилгани Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ёрқин тимсоли бўлди.

Учрашув якунида Ислом Каримов ва Ли Мён Бак икки мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолатига муносиб баҳо берилган, ҳар томонлама муносабатларнинг истиқболдаги устувор йўналишлари белгиланган Қўшма баёнотни қабул қилдилар.

Давлат раҳбарлари иштирокида Фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартнома, Сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, кредит-молия ва бошқа соҳаларга оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз қароргоҳида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари раҳбарлари – "Поско" корпорацияси президенти Чунг Жунг Янгни, "Ханжин групп" ва "Кореан эйр" компаниялари раиси Чо Янг Хони қабул қилди. Учрашувларда узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, янги қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари кўриб чиқилди.

Корея Республикаси давлат бошқаруви ва хавфсизлик вазири Мёнг Хюнг Кю билан суҳбат чоғида ахборот-коммуникациялари соҳасида, алоқа тизимида ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА.**

## ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ



# ШИНГИЛИНИНГ ШИРАСИ ТОМОҚНИ ОЛАДИ

**Яхши уюшган, аҳил-иноқ жамоанинг ишлари юришгандан юришаверади. Паркент туманидаги "Байналмилал плюс" фермер хўжалиги шундай жипс жамоалардан. Бунинг боиси бор. Булар олти-етти йил илгари, аниқроғи – 2006 йилгача жамоа хўжалигининг битта бригадаси аъзолари эдилар. Жамоа хўжалиги тугатиладиган бўлгач, бригада бошлиғи Ботир Расулов ўзлари экин экиб келган майдонларда фермер хўжалиги тузишга қарор қилди.**

Бригада аъзолари ҳам унга эргашишди. Қарабсизки, узоқ йил илғорлар сафида келган бутун бир бригада фермер хўжалигига айландиқўйди. Энг муҳими, аҳил жамоанинг меҳнатга онгли муносабатидан тортиб барча яхши анъаналари ҳам сақлаб қолиниб, давом эттирилди.

Эллик кишидан иборат жамоа ҳамон ўша 55 гектар майдонда меҳнат қилаяпти. 34,2 гектар токзорнинг 28 гектари ҳосилли. Қолган 6,2 гектари янги барпо этилган, бир-икки йилда кетма-кет ҳосилга киради. Тўғрироғи, кўп йиллик тажрибага эга жамоа шу тартибда токзорларни янгилаб боради ва шу тариқа юқори ҳосилдорликни сақлаб келади.

Токзорларнинг асосий қисмини "Баян ширей" нав винобоп узум эгаллаган. Шу боис вино заводлари билан 340 тоннадан зиёд узум етказиб бериш юзасидан шартнома тузилган. Аслида, йилига 500 тонна атрофида узум етиштирилади. Кузаки ҳамда қора кишмиш нав узумлар асосан олис-яқиндаги бозорларга чиқарилади. Шу йўл билан ҳар йили 20-25 миллион сўм соф фойдага эга бўлиняпти.

Кейинги йилларда вилоятимизда тез ҳосилга кириб, мўл мева берадиган пакана навли интенсив боғлар барпо этиш оммавий тус олди. "Байналмилал плюс" ҳам бу истиқболли саъй-ҳаракатдан четда эмас. Хўжалик "Агробанк"нинг туман бўлимидан 20 миллион сўм кредит олиб, 12,5 гектарли интенсив боғ яратди. Тўрт гектари олма, уч гектари гилос ва яна шунчаси олхўри, икки ярим гектари шафтоли. Кредитнинг 8 миллион сўмига сара кўчат сотиб олинди, қолган 12 миллион сўми сув чиқариш билан боғлиқ муҳим ишларга сарфланди.

– Банкдан яна кредит олиш ниятидамиз, – дейди Ботир Расулов. – Ўзимиз етиштираётган узум ва меваларни ўзимиз қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантириб сотишни йўлга қўйсак, даромадимиз янада кўпаяди. Бунинг учун қайта ишлаш цехига эга бўлишимиз керак. Ҳозир ўғлим Зокир Тошкент давлат аграр университетининг айнан шу соҳа мутахассисларини тайёрлайдиган факультетида ўқияпти. Яъни янги тармоқ кадрлари ҳам ўзимиздан чиқади. Қолаверса, қишлоғимиз ёшларидан яна бир гуруҳи муқим ишли бўлади.

**СУРАТДА:** фермер Ботир Расулов жамоа аъзолари даврасида.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

## ҚАРОР ВА ИЖРО

# АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 4 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида"ги умумий техник регламентнинг мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон автомобиль саноати, ишлаб чиқариш ҳажмини оширган ҳолда йил сайин изчил ривожланмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда нафақат енгил автомобиллар, балки юк машиналари, турли хил махсус техника ва автобуслар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Бу автотранспорт воситалари хавфсизлигини ошириш, улардан фойдаланишга бўлган талабларни такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Янги техник регламент маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлигига доир мажбурий талабларни белгилаш, қўллаш ва бажариш соҳасидаги муносабатларни тартибга соладиган Ўзбекистон Республикасининг "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришни меъёрий-техник таъминлаш Республика маркази бош директори Шербек Эрбековнинг айтишича, мазкур регламент 2013 йил бошидан кучга киради. Ўзбекистонда қабул қилинган янги талабларга кўра, халқаро, давлатлараро ва давлат стандартлари тоифасига кирувчи 55 меъёрий ҳужжат бекор қилиниши кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, уларга ихтиёрийлик мақоми берилади, бу эса автомобиль эгалари учун муайян қулайликлар яратади.

"Автотранспорт воситалари конструкциясининг фойдаланиш шартлари бўйича хавфсизлиги тўғрисида"ги регламентга мувофиқ, йўловчи, багаж ва юк ташиш ҳамда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида махсус ишларни бажаришга мўлжалланган автомобиллар, шатакчи автомобиллар, тиркама ва ярим тиркамалар ҳамда автотранспорт воситаларидан фойдаланиш хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган автотранспорт воситалари компонентлари техник тартибга солиш объектлари ҳисобланади.

Янгиланган тартиб-қоидага кўра, автотранспорт воситаларидан фойдаланишда ишлаб чиқарувчи корхона розилигисиз уларнинг конструкциясини ўзгартириш, руль ва тормоз бошқаруви элементлари ва бошқа таркибий қисмларни олиб ташлаш ёки уларга кўзда тутилмаган элементларни ўрнатиш тақиқланади. Бу борадаги талаблар янги техник регламентда ўз ифодасини топган.

Агентлик вакиллари, шунингдек, шартлари техник регламентда кўзда тутилган тормоз ва руль бошқарувида қўлланиладиган суюқлик ҳамда автотранспорт воситаларининг турли таркибий қисмлари ва деталларини техник ва меъёрий-техник ҳужжатлар талабларига мос келмайдиган ана шундай воситаларга алмаштиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисида ҳам аниқлик киритди.

Таъкидлаш керакки, мазкур регламент тормоз ва руль бошқаруви, ёритиш ва тармоқ сигнализацияси, шиналар, ғилдираклар ва автотранспортнинг турли қисмларига нисбатан тартиб-қоидалар ва меъёрларни ҳам ўз ичига олади.

Энди юк машиналари бир йилда бир маротаба, йўловчи ташиш транспорти воситалари эса ҳар олти ойда бир маротаба техник кўрикдан ўтади. Агарда транспорт воситаси регламент талабларига жавоб бермаса, ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

**М. МАМЕТОВА, ЎзА мухбири.**

## АНЖУМАН

# ЕТАКЧИЛАРГА ЙЎЛ-ЙЎРИҚ БЕРИЛДИ

**Бўстонлиқ туманидаги "Камолот" ёшлар оромгоҳида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилотлари етакчиларининг вилоят анжумани ташкил этилди.**

"Камолот" ЁИҲ дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш бўйича лекциялар ўқилиб, "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танлови тақдимоти, етакчиларнинг билим ва кўникмалари юзасидан тест синовлари ўтказилди. Ташкилотларда иш юритиш, ҳисоботни олиб бориш, ёшларни Ҳаракат аъзолигига қабул қилиш ва чиқариш, мурожаат ва аризалар билан ишлаш масалалари, дастур ва қарорлар ижроси, фуқаролик жамиятини шакллантиришда ёшлар ташкилоти ва унинг қуйи бўғинларининг ўрни масалалари бўйича фикр алмашилди.

**Умидахон ҲИДОЯТОВА.**

## ПАХТА – 2012

**Давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси тайёрлаш шартномасининг бажарилишига оид маълумотномадан кўриниб турибдики, беистисно, барча туманларда йиғим-терим авжи паллага кирди. Энг муҳими эса, ҳеч бир туман кундалик суръатни бўшаштирмай, аксинча, отни янада жадалроқ қамчилашга ҳаракат қилаяпти.**



# КУНДАН-КУНГА СУРЪАТ ОШЯПТИ

Чунончи, Чиноз ва Юқори Чирчиқ туманлари қабул пунктларига кунига йиллик шартномага нисбатан тўрт фоиздан ошириб пахта топширмоқда. Катта карвон Бекобод, Бўка, Қуйи Чирчиқ ва Оққўрғон туманлари ҳам терим суръатини юқори маромда ушлаб, вилоятнинг умумий пахта хирмони тезроқ юксалишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Вилоят пахта штабидан олинган 21 сентябрь ҳолатига тезкор маълумотномага кўра, вилоят бўйича терим суръати 3,90 фоизга кўтарилиб, йиллик шартномага нисбатан 35,42 фоиз миқдорида пахта тайёрланди. Режани қисқа муддатларда бажарган фермер хўжаликлари эса, элликдан ошди. Шулар қатори Оққўрғон туманидаги "Фахриддин Ойбек агро" фермер хўжалиги ҳам бир ҳафтадан буён шартномага қўшимча пахта топширмоқда.

– Қабул пунктларига 146 тонна юқори навли хом ашё етказиб бердик, – дейди фермер Фахриддин Холбоев. – Далада эса ҳали ҳосил мўл. Яна камида 25 тонна пахта топшириб, ҳосилдорликни 31 центнердан оширамиз.

**СУРАТДА:** "Фахриддин Ойбек агро" фермер хўжалиги раҳбари Фахриддин Холбоев.

**Қуйида шартномага қўшимча хом ашё топшираётган фермер хўжаликлари билан танишасиз:**

**Оққўрғон тумани**
"Сарбон-Самандар ф.х", "Фазлиддин Омонов", "Чашма-чорва", "Жайловбой", "Адолат-Агро-Файз", "Карим", "Бахт".

**Бўка тумани**
"Олимжон Олмосбек", "Салоҳиддин Фарангиз", "Отабек", "Маъмура Анвар", "Рашид Шоҳруҳ", "Шодмон", "Назар Файз Баракат", "Бўри ўғли Равшан", "Шерали Саид", "Элёр", "Норхўжаев Воҳиджон".

**Бекобод тумани**
"Эшонқул файз агро", "Мирза Тошмурод", "Бинафша", "Маҳкамбой ҳожи", "Мадаминов Бахтиёр", "Маматқул ота", "Узенбоев Шавкат", "Кулмуҳаммад", "Жабборов А", "Тўлганой".

**Ўрта Чирчиқ тумани**
"Салоҳиддин СЖЛ".

**Қуйи Чирчиқ тумани**
"Абдурашид Қаҳрамон".

**Юқори Чирчиқ тумани**
"Апиз-Деҳқон", "Абдумажид бобо", "Мадинабону Иброҳим".

**Чиноз тумани**
"Ғуломов Миркомил", "Абдукарим Зуҳро Файз".

## ТАДБИР

# КЕЛАЖАК АВЛОДГА ТОЗА ҲАВО

Юқори Чирчиқ тумани 10-умумтаълим мактабида Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш куни ва Монреаль протоколи имзоланганининг 25 йиллигига бағишлаб, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси "Атмосферани келажак авлод учун ҳимоя қиламиз" шиори остида тадбир ўтказди. Унда ўқувчилар саҳна томошалари орқали табиатни асраб-авайлаш, уни қадрлаш лозимлигини тенгдошларига уқтиришга ҳаракат қилдилар.

**Насима АҲМЕДОВА, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бўлим бошлиғи.**

**24-28 сентябрь кунлари "ИнфоКом Ўзбекистон – 2012" ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бўлиб ўтади. Соҳани такомиллаштиришга қаратилган қатор тадбирларни ўз ичига олган ушбу ҳафталик ахборот-коммуникация технологиялари мутахассислари ҳамда кўп сонли ахборот ресурсларидан фойдаланувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.**

# «ИНФОКОМ ЎЗБЕКИСТОН – 2012»

Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги 24 сентябрда пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "UZ" миллий домени интернет-фестивали ғолибларини тақдирлаш маросими билан ўз ишини бошлайди. 25 сентябрь куни ахборот-коммуникация технологиялари бўйича миллий саммит ҳам бўлиб ўтади.

26-28 сентябрь кунлари бир пайтнинг ўзида Тошкент, Навоий ва Термизда "ICTExpo – 2012" ахборот технологиялари миллий кўргазмаси бўлиб ўтади. Кўргазмада Ўзбекистон IT бозорининг етакчи компания ва фирмалари иштирок этади. 150 дан зиёд иштирокчи компания ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги энг сўнгги ишланмалар, кенг турдаги ўзига хос хизматлар ҳамда ечимларни намойиш қилади. Тадбирда мамлакатимиз компанияларидан ташқари Хитой, Австрия, Германия, Жанубий Корея, Россия, Украина, Венгрия ва бошқа мамлакатлар вакиллари ҳам қатнашади.

**"Туркистон-пресс".**

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДБИР

# МОЛНИНГ МАҲСУЛДОРЛИГИ ЕМИШИГА БОҒЛИҚ

**Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши, фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят вакиллиги, тадбиркорлик ва фермерликни қўллаб-қувватлаш маркази, маккажўхоричилик ишмий-тадқиқот станцияси ва чорвачилик илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида "Деҳқон ва томорқа хўжаликлари ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва барқарорлигини таъминлаш омиллари" мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги O'zLiDeP фракциясининг аъзолари, вилоят кенгаши масъул ходимлари, партия фаоллари, Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси, илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари, шунингдек, олий ўқув юрти олимлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари раҳбарлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Семинарда вилоятда чорвачилик, наслчилик ҳамда озуқабоп экинлар уруғчилигини ривожлантириш, аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашда юзага келаётган муаммолар хусусида сўз борди. Бундай муаммоларни бартараф этиш учун чорвачиликда озуқабоп экинлар агротехникаси ва уруғчилик масаласи ўрганилиб триполе, беда, судан ўти, экспорцет, хашаки лавлаги, соя, кунгабоқар, маккажўхори, оқжўхори, арпа, тариқ, сули каби 12 хилдан ортиқ озуқабоп экин турларининг 20 га яқин навлари устида тегишли тадқиқотлар олиб борилаётгани таъкидланди.

Шунингдек, семинар қатнашчилари, Паркент туманидаги Собиржон Ёрмуҳамедовнинг деҳқон хўжалигида бўлишиб, кўп ўримли сарго жўхорисининг турли навларини етиштириш ҳамда ердан самарали фойдаланиш тажрибаси билан танишишди.

Тадбир сўнгида чорвачилик ва озуқабоп экинларни ривожлантириш масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Шермат БЕКОВ.**




**Зангиота туманидаги "Қизғалдоқ" врачлик пункти вилоят ҳокимлиги ёрдамида тўлиқ қайта таъмирланди. "Евро эксклюзив" фирмаси қурилиш-таъмирлаш ишларини сифатли бажариб, мавжуд 32 та хонага замон талабига мос жиҳозлар ўрнатилди. Акушерлик, лаборатория, маънавият ва маърифат хоналари барпо этилди. Иссиқ ва совуқ сув, канализация қувурлари, иситиш ва ёритиш мосламалари алмаштирилди.**

# «ҚИЗҒАЛДОҚ» – АҲОЛИ ХИЗМАТИДА



Пардозлаш ишларидан сўнг қишлоқ врачлик пункти бутунлай янги қиёфа касб этди.

– Муассасамизда 5 та олий тоифадаги шифокор, 18 ҳамшира Қизғалдоқ қишлоғидаги 12 минг аҳолига хизмат кўрсатмоқда, – дейди бош шифокор Орифа Шораҳмедова.

– Авваллари муолажа хоналарининг томларидан чакка ўтиб, шифо истаб ётганларни баттар бемор қиларди. Шаҳарга бориш имкониятига эга бўлмаганларга бу анчайин муаммо туғдирарди, – дейди бемор Шарофат Ғойибназарова. – Шукр, шаҳардагилардан қолишмайдиган шифохонага эга бўлдик.

**Бахтиёр ШАВКАТОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** (юқорида) ҚВПнинг ташқи кўриниши; "Қизғалдоқ" ҚВП бош шифокори Орифа Шораҳмедова билан ҳамшира Нигора Қорабоева.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

ҚАРОР ВА ИЖРО

# СИФАТЛИ ИШЛАР САМАРАСИ

**Янгийўл иқтисодий салоҳиятга эга йирик саноат корхоналари билан айрим туманлардан ажралиб туради. Кейинги вақтларда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида янги токзор ва интенсив боғлар ташкил этилаётир, яроқсизлари реконстукция қилиниб, қатор оралари ва бошқа бўш ерларга сабзавот, полиз экинлари экилаётир.**

Авваллари 25 минг гектардан зиёдроқ ер майдонида боғдорчилик, узумчилик, полизчилик, ғалла ва пахтачилик, шунингдек, балиқчилик, теракчилик соҳаларида 600 дан зиёд фермер хўжаликлари фаолият кўрсатган. Улардан 113 таси 15716 гектар майдонда ғалла ва пахта етиштирган бўлса, давлатимиз раҳбарининг соҳага оид қарорлари ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган лойиҳаларга мувофиқ энди полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилаётир.

– Пахта ўрнига экилган полиз ва сабзавотдан 145,5 минг тонна ҳосил олишни режалаштирганмиз, – дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Рустам Қосимов. – Мавжуд ва янги ташкил этилган фермер хўжаликларига бириктириб берилган майдонларнинг ҳар бир гектари ҳисобига ўртача 2-3 та янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли иш билан таъминланяпти.

Айни кунларда етиштирилган маҳсулотлар пойтахт ва вилоят ички бозорларига чиқарилиб, четга экспорт қилиняпти, қайта ишлаш корхоналарига пешма-пеш юборилмоқда.

**Худоёр БЕГАЛИЕВ.**

**Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Тармоқда инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ва янги иш ўринлари яратиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар" мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компанияси раҳбарлари ҳамда маҳаллий ва хорижий ахборот агентликлари, ОАВ ходимлари иштирок этдилар.**

# ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР ИЖРОСИ

Бугун Ўзбекистон дунёда барқарор ва жадал ривожланиб бораётган мамлакатлар қаторига киради. Асосий эътибор ишлаб чиқаришни техник ва технологик янгилаш, янги корхоналар ташкил этиш, фаолият кўрсатаётганларини модернизация қилиш, стратегик муҳим соҳаларга инвестициялар жалб қилиш дастурларини амалга оширишга оид вазифаларга қаратилмоқда.

Республика Президентининг "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қароридан келиб чиқиб, "Ўздонмаҳсулот" АК тармоқларида 2011-2015 йилларда 44 та лойиҳани амалга ошириш белгиланган. Анжуманда бу борада дастурлар ишлаб чиқилгани ҳақида сўз юритилиб, журналистларнинг саволларига жавоб қайтарилди.

**Умида ШУКУРОВА.**

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

# БАҲОРДА – НАВРЎЗ, КУЗДА – МЕҲРЖОН!

**Меҳржон – халқимизнинг азалий байрамларидан бири. Тарихий манбаларда у қадим-қадимдан байрам сифатида нишонлаб келингани айтилади. Жумладан, З. Чоревнинг "Тарихий атамаларнинг қисқача изоҳли луғати" ("Академия" нашриёти, Тошкент 2002 йил; тўлдирилган иккинчи нашри)да "Меҳржон ва Наврўз – Эронзамин ва Туронзамин халқларининг байрамлари", дейилган. Шу манбада Меҳржон ("Меҳргон") қадимий сўғдлар элида қуёш йилининг меҳр ойида муборак сана ва байрам бўлган, дейилади ва "Ҳосил байрами" маъносини англатиши айтилади.**

Самарқанд шаҳри (645-654 йилларда Кеш шаҳри) пойтахт бўлган Сўғд мамлакатида Меҳржон (Меҳргон) кузги тенгкунликда байрам сифатида кенг нишонланган. Манбаларда Меҳржон милоддан авалги 1-минг йиллик бошида байрам сифатида нишонлангани келтирилади. (Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 5-том, 638-бет).

Барча манбаларда Меҳржон деҳқончилик маданияти билан боғлиқ байрам эканлиги таъкидланади.

Шуниси диққатга сазоворки, зукко аждодларимиз баҳорги тенг кунликни янги кун – Наврўз сифатида байрам қилган бўлсалар, Меҳржонни кузги тенг кунлик – куз байрами сифатида нишонлаганлар.

Ҳар йилнинг 23 сентябрида содир бўладиган кузги тенг кунликда ноёб табиат ҳодисаси рўй беради. Шу куни уфқ текислиги осмон экваторини тенг иккига бўлади. Қуёш осмон сферасининг Шимолий ярим шаридан Жанубий ярим шарига ўтишда осмон экваторининг кесиш нуқтасида бўлади. Шу куни тун узунлиги билан кун узунлиги бир-бирига тенг бўлади.

Кўриниб турибдики, Меҳржон ҳам худди Наврўз сингари халқимизнинг илмий асосланган қадимий ва боқий қадриятларидан биридир.

Тўғри, у ҳали Наврўз байрами каби кенг оммалашгани йўқ, лекин азалий ва абадий қадрият сифатида тобора ҳаётимизга кенгроқ кириб келмоқда. Меҳржон билан боғлиқ атамаларимиз ҳам кўпайиб бормоқда. Жойларда, хусусан, пойтахтимизда, вилоятларда Меҳржон – шукроналик, ҳосил байрами, қовун сайли, узум сайли, анор сайли, анжир сайли сифатида ҳам умумхалқ байрами тусини олмоқда.

Жаннатмакон юртимизнинг бетакрор саховатли кузи бутун таровати билан Меҳржонда ўз аксини топаётир.

**Маъмуржон БОЗОРАЛИЕВ.**

ЯРАШТИРИШ КОМИССИЯЛАРИДА

**Ҳаёт ўнқир-чўнқир йўллардан, яхши-ёмон кунлардан иборат деб бежиз айтишмас экан.**

**Бахтсиз фалокат сабаб Солиҳа ая икки ўғил, бир қизи билан бева қолди. Сабр-қаноат билан машаққатли кунларни енгиб ўтди. Ҳалол меҳнат орқасидан фарзандларини катта қилди. Емай едирди, киймай кийдирди, хуллас, бировдан кам қилмади. Уларнинг бари олий маълумотли, давлат идораларида ишлашади. Ая орзу-ҳавас билан тўнғичини уйлантирди. Ҳамманинг оғзида ўтган тўй таассуротлари. Келин ҳам ойдеккина. Уруш-жанжалсиз турмуш бўлмайди дейдилар. Кўп ўтмай, бу оилада ҳам тушунмовчиликлар келиб чиқа бошлади. Қайнона келиннинг иш билмаслигидан шикоят қилади. Келин эса тиними йўқлиги-ю, чарчаётганидан хафа. Камига кунда бўлмаса, кунора қайнонасидан дакки эшитади. Икки ўртада ўғил овора. Гапирай деса, онасининг дили оғрийди, ҳомиладор аёлини ҳам ранжитгиси йўқ.**

# ЁШ КЕЛИННИНГ ЁШЛИГИ БОР

Иш шу даражага етдики, келин кўч-кўронини олиб, онасининг уйига кетиб қолди. Яхшиям қўни-қўшнилар бор экан. Оиланинг барбод бўлишига йўл қўймадилар. Бўлиб ўтган гап-сўзлардан хабар топган маҳалла раиси, маслаҳатчиси-ю, фаоллар қараб туришмади. Яраштириш комиссияси ишни чуқур ўрганди, масалага ойдинлик киритди. Ҳар икки томон тингланиб, муросага келишларига эришдилар.

Ҳозир Солиҳа аянинг ширindan-шакар икки набираси бор. Яқинда кенжасини ҳам уйлантирди, қизини узатди. Бу оиладан кўпчилик ибрат оляпти.

– Оилалар тинч-тотув бўлишида маҳалланинг роли ва таъсири катта, – дейди Қибрай тумани "Нурафшон" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Неъмат Исроилов. – Зеро, маҳалла одамларнинг дарди, ташвишларини ҳал қила оладиган, таъсирчан фуқаролик идораси бўлиш билан бирга, она Ватаннинг, ўзбек миллатининг рамзи ҳамдир. Шу боис, истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ, маҳалла тушунчаси Конституциямизга киритилди ва унинг жамият бошқарувидаги ўрни ва мақоми алоҳида белгилаб қўйилди. Ишни эндигина бошлаганимда, ҳар бир оила, ундаги аъзоларни танишга, яхшироқ билиб олишга ҳаракат қилдим. Фаоллар билан оилалардаги муҳит ва моддий аҳволни ўрганиб чиқдик.



Шунга асосланиб уларга ёрдам беришга, керак пайтда елкадош бўлишга ҳаракат қиламиз.

Маҳаллада рус, ўзбек, татар, қозоқ, қирғиз миллатига мансуб 3 минг 80 аҳоли истиқомат қилади. Улар ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат билан аҳил-иноқ яшамоқдалар.

– Тўғри, баъзида нотинч оилалардан аризалар тушади, – деди маҳалла маслаҳатчиси, яраштириш комиссияси аъзоси Васила Маҳмудова. – Улар ичида мол-мулк талашиш, оила бошининг ичкиликка берилгани оқибатидаги жанжаллар, фарзанднинг ота-онага бўйсунмаслиги каби ҳолатлар учраб туради. Бироқ, қайнона-келин муносабатидаги муаммолар энг оғриқли нуқта ҳисобланади. Аслида, диний ва дунёвий билимларни яхши билмаслик, ўз саломатликларига бепарво бўлиш натижасида қайнона-келин муносабатларига дарз кетади. Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб, айтишим мумкинки, аксарият қайноналар ёш қизларни келин қилишга ҳавасманд. "Ёшини олсам, ўзим йўлга соламан, ўқимагани яхши, ўқиса тилини бермай, "ақллилик" қилади дейишади. Кези келганда эса келиннинг ёшлигини ҳисобга олмай, ундан кўп нарса талаб қилишади. Болаларча эркалигини ялқов ва иш билмасликка, ёшларга хос жиззакилигини бетгачопарликка йўйишади.

Бундай ҳолларда маҳалла имоми, қишлоқ врачлик пункти вакиллари ҳамда фаоллардан ташкил топган яраштириш комиссиясининг ёрдами катта бўлади. Бинобарин, яраштириш комиссиясининг асосий вазифаси оилалар мустаҳкамлигини таъминлашдир. Шундай эзгу ният билан "Нурафшон" маҳалласи яраштириш комиссияси Мустаҳкам оила йилига мўлжалланган иш режасини ишлаб чиққан. Ҳар бир оилада соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни камол топтиришга эришиш, бола тарбиялаш этикаси, нотинч хонадонларга тез-тез ташриф буюриш, диний оқимларга қўшилиб қолишнинг олдини олиш, она ва бола саломатлигини таъминлаш кабилар муҳим вазифа этиб белгиланган. "Бола – азиз, одоби ундан азиз", "Оила – муқаддас", "Оилани асрайлик", "Ҳаёт соғлом болалар билан гулгун", "Қуш уясида кўрганини қилади", "Қонун, ота-она ва фарзанд", "Эр-хотиннинг оиладаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари", "Никоҳ шартномаси ва унинг афзалликлари", "Эрта турмушнинг салбий оқибатлари" каби қатор мавзуларда давра суҳбатларини ўтказиш ҳам режадан ўрин олган.

– Яқинда балоғатга етган фарзанди уйдан беруxсат чиқиб кетган ота-она бизга ёрдам сўраб мурожаат қилди, – гапида давом этди Васила Маҳмудова. – Ишни ўрганар эканмиз, аввало, оиладаги маънавий муҳитни кузатдик. Ўзаро ҳурмат, ахлоқ-одоб каби инсоний фазилатлар шакллланганига амин бўлдик. Ўсмир билан суҳбатлашиш чоғида эса унга ташқи муҳит ва омиллар таъсир қилаётгани маълум бўлди. Узоқ давом этган тушунтириш ишлари ўсмирни мулоҳаза қилишга ундади чоғи, у уйига қайтди. Рисоладагидек, фарзандлик бурчини бажараяпти, ишга жойлашишга ҳам улгурди. Айтмоқчиманки, оиладаги тарбияда хатога йўл қўйиб бўлмайди. Ундаги маънавий муҳит сабаб бола ё меҳрибон ва раҳмдил ёки худбин ва бағритош бўлиб ўсиши шубҳасиз. Уларни ёшлик чоғидан ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш лозим. Бу масалага эътибор бермаслик эса нафақат ота-оналар, балки бутун жамият учун қимматга тушиши мумкин.

Дарвоқе, йил бошидан буён яраштириш комиссиясига фуқаролардан 9 та ариза тушган бўлса, шундан 7 таси ижобий ҳал этилди. Юртимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги, фарзандларимизнинг бахт-саодати, иқболи ва камолини кўришни истар эканмиз, нафақат оиладаги, балки маҳалла-кўй олдидаги масъулият ва бурчимизни унутмаслигимиз зарур.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ҒАМХЎРЛИК

**Тўрт мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Сижжак қишлоғида туғиш ёшидаги хотин-қизлар, кекса бемор отахону онахонлар ҳар куни тиббий ёрдам кўрсатиш хизматидан бемалол фойдаланишлари мумкин.**

Бўстонлиқ туманининг юқори минтақасида жойлашган Сижжак қишлоқ врачлик пунктига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда "Фонд форум" ташкилоти ҳамкорлигида "Дамас АМБ" русумли автоулов тақдим этилди.

– Бундай ғамхўрликдан мамнунмиз, – дейди ҚВП бошлиғи Маҳмудбек Фатхуллаев. – Ахир эл соғлиғи – юрт бойлиги, деб бежиз айтишмаган-ку. Илгарилари тиббий ёрдам кўрсатишга мўлжалланган машинамиз бўлмагани учун ходимларимиз беморларнинг ҳолидан хабар олишда қийналардилар. Яратилган беминнат қулайликни, албатта, меҳнатимиз билан оқлаймиз.

# СПОРТЧИ ЎСМИРЛАР ТАНЛОВИ

**Бўстонлиқ тумани Қоронкўл қишлоғидаги 15-умумтаълим мактабида Азамат Карим номидаги спорт-соғломлаштириш маркази қатнашчилари ўртасида спортнинг шотокан каратэ тури бўйича мусобақа ташкил этилди.**

Унда республикамизнинг турли вилоятларида фаолият юритаётган Азамат Карим номидаги спорт-соғломлаштириш марказлари аъзолари ўзаро беллашдилар. 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўсмир ўғил-қизлар майдонда устозларидан ўрганган ҳаракатларни намойиш этдилар.

Мусобақа натижаларига кўра 1-ўрин пойтахтнинг Ҳамза тумани вакилларига берилган бўлса, 2- ва 3-ўринларга туманимиз вакиллари сазовор бўлдилар. Совриндорлар ҳомийларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Суннат МУСАМЕДОВ.**



# ЙЎЛ РАВОН – КЎНГИЛ ХОТИРЖАМ

Юртимизда техник жиҳатдан халқаро андозалар даражасидаги кенг ва равон йўллар, маҳобатли кўприклар ҳамда транспорт боғламаларининг кўпайиб бораётгани ҳайдовчи ва йўловчилар учун қулайликлар яратмоқда.

— Давлат аҳамиятига молик йўллар билан бир қаторда, ички кўча ва йўлларни текис ва равон бўлиши шаҳар инфратузилмасини яхшилашдан ташқари, аҳолининг узоғини яқин қилишда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Чирчиқ шаҳар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими бошлиғи Т. Сиддиқов. — Бу йил 7 та кўчани тўлиқ таъмирлаш режалаштирилган. Бу мақсадлар учун республика йўл жамғармаси ва маҳаллий бюджетдан 291 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилган. Танлов савдолари ўтказилиб, пудратчи ташкилотлар билан шартномалар имзоланди. Ҳозир таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

**СУРАТДА:** ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўлими бригадири Дониёр Азизхўжаев ишчилар билан навбатдаги вазифаларни муҳокама қилмоқда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

ИСТЕЪМОЛЧИ

# ҲУҚУҚЛАРИ – ҲИМОЯДА

**Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси вилоят ҳудудий бирлашмаси Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Санаторий-курортлар бошқармаси билан ҳамкорликда Қибрай туманидаги "Умид гулшани" санаторийсида "Истеъмолчилар ҳуқуқлари – ҳамиша ҳимояда" мавзуида ўқув семинари ўтказди.**

Семинар иштирокчилари истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари туман бўлими фаолиятига ижобий баҳо берди. Иштирокчилар коммунал хизмат кўрсатиш идоралари кўрсатаётган хизматлар сифатининг пастлиги, озиқ-овқат нархларининг асоссиз ошиб кетиш ҳолатлари, нақд пулсиз ҳисоб-китоб жараёнидаги муаммолар бўйича ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

# МУРОЖААТ ЖАВОБСИЗ ҚОЛМАЙДИ

**Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси ва Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг жамиятдаги ўрни" мавзуида навбатдаги матбуот анжумани ўтказилди.**

Бугунги кунда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда ҳудудий бирлашмалари фаолият юритмоқда. Федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига аҳолининг ишончи тобора ортиб бормоқда.

2012 йилнинг ўтган даври давомида Федерация ва унинг ҳудудий тузилмаларига истеъмолчилардан жами 6597 та шикоят ва ариза тушди. Улардан 92 фоизи ижобий ҳал этилиши натижасида жами 1 миллиард 624 миллион сўмдан ортиқ моддий ва маънавий зарарлар истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Анжуман сўнгида журналистларнинг саволларига батафсил жавоб берилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖда 2012 йил 10 июлдан 20 сентябргача ойлар давомида кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Кўчмас мулк номи ва манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 17.07. 2012 | Қибрай тумани СИБ | Қибрай тумани СИБ томонидан 20.05.2010 й. № 4734-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай ш.ф.й., Зебунисо кўчаси, 23-уй, 19-хонада жойлашган 3 хонали яшаш уйи | 21 654 493 | 23 700 000 |
| | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | М. Улуғбек тумани СИБ томонидан 02.04.2010 й. № 272/08-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, А. Югнакий мавзеси, 40-А уйда жойлашган савдо дўкони | 24 216 940 | 26 250 000 |
| 14.08. 2012 | Зангиота тумани СИБ | Зангиота тумани СИБ томонидан 03.02.2011 й. № 1-55-11-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Келес шаҳри, Ойбек кўчаси, 42 уйда жойлашган маъмурий бино | 30 218 000 | 32 100 000 |
| 21.08. 2012 | Юнусобод тумани СИБ | Юнусобод тумани СИБ томонидан 30.07.2010 й. № 23360/7-24458/7-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Х. Абдуллаев кўчаси, 73-уй | 80 159 000 | 86 200 000 |
| 29.08. 2012 | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 04.08.2010 й. № 19770/19-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Янгиобод қ.ф.й., Асаларичилар кўчасида жойлашган яшаш учун мўлжалланган уй | 9 814 071 | 11 200 000 |
| 30.08. 2012 | Ўрта Чирчиқ тумани СИБ | Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 1-541-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Истиқлол қ.ф.й.да жойлашган «SUN CITY VILLAGE» дам олиш оромгохи | 349 702 573 | 371 000 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: 266-80-76. Лицензия № RL-0052.

# ВНИМАНИЮ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ!

## ВВОДЯТСЯ В ДЕЙСТВИЕ С 1 ОКТЯБРЯ 2012 ГОДА ВИДЫ ТАРИФОВ И ГРУППЫ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ «ЭЛЕКТРОЭНЕРГИЯ»

I группа

Промышленные и приравненные к ним потребители с присоединенной мощностью 750 кВА и выше

***Двухставочный тариф:***

плата за 1 кВт максимальной нагрузки в год – **171 800 сумов**

плата за 1 кВи-ч потребляемой энергии – **81 сум 90 тийинов**

II группа

Промышленные и приравненные к ним потребители с присоединенной мощностью 750 кВА

***Одноставочный тариф:***

**104 сума 40 тийинов** за 1 кВт-ч

III группа

Производственные сельскохозяйственные потребители, в т.ч. насосные станции, финансируемые из бюджета – **104 сума 40** тийинов за 1 кВт-ч

IV группа

Электрифицированный железнодорожный и городской транспорт (электротяга) – **104 сума 40 тийинов** за 1 кВт-ч

V группа

Непромышленные потребители, бюджетные организации, уличное освещение городов – **104 сума 40 тийинов** за 1 кВт-ч

VI группа

Организации торговли, кафе, рестораны и сфера услуг – **106 сумов 50 тийинов** за 1 кВт-ч

VII группа

Население, населенные пункты – **104 сума 40 тийинов** за 1 кВт-ч

Население жилых домов, оборудованных электроплитами, – **52 сума 20 тийинов** за 1 кВт-ч

VIII группа

Электрическая энергия, используемая на нужды отопления, горячего водоснабжения и охлаждения (кондиционирования) – **104 сума 40 тийинов** за 1 кВт-ч

IX группа

Реклама и иллюминация – **110 сумов 00 тийинов** за 1 кВт-ч

X группа

Хозяйственные нужды энергосистемы – **104 сума 40 тийинов** за 1 кВт-ч

**Примечание:**

**1. Настоящие тарифы установлены с учетом налога на добавленную стоимость.**

**2. С введением в действие настоящего реестра утрачивает силу реестр от 15 марта 2012 года № 19-03-22-05-РУз-11-2012.**

*ОАО "Тошкент электр тармоклари".*

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Бекобод шаҳар СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 1. 15.02.2012 й. № 3915-сонли ижро ҳужжатига асосан 1923 й. и/ч., ВАЗ-21-02, д/р 11 V 872 DA. Бошланғич баҳоси – 1 861 633 сўм. 2. 15.02.2012 й. № 3912-сонли ижро ҳужжатига асосан 1969 й. и/ч., Газ-21, д/р K 3894 ТШ. Бошланғич баҳоси – 952 002 сўм. 3. 16.01.2012 й. № 274-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч., ВАЗ-2108, д/р 11 W 991 CA. Бошланғич баҳоси – 3 973 998 сўм. 4. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч., УАЗ-452, д/р 11 N 2357. Бошланғич баҳоси – 1 056 978 сўм. 5. 14.11.2011 й. № 13129-сонли ижро ҳужжатига асосан 1977 й. и/ч., УАЗ-452, д/р 11 L 4829. Бошланғич баҳоси – 1 020 958 сўм. 6. 22.11.2011 й. № 13297-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и/ч., HAFEI, д/р 11 J 865 CA. Бошланғич баҳоси – 9 253 570 сўм. 7. 15.02.2012 й. № 3917-сонли ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч., ВАЗ 2102, д/р 11 P 6347. Бошланғич баҳоси – 925 299 сўм. 8. 15.02.2012 й. № 3913-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и/ч., ВАЗ 21011, д/р 11 K 5047. Бошланғич баҳоси – 1 546 428 сўм. 9. 15.02.2012 й. № 3916-сонли ижро ҳужжатига асосан 1987 й. и/ч., ИЖ 21-25, д/р 11 I 2296. Бошланғич баҳоси – 961 909 сўм. 10. 15.02.2012 й. № 3914-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и/ч., FORD, д/р 11 W 9962. Бошланғич баҳоси – 6 491 258 сўм. Юқоридаги автотранспорт воситалари Бекободсавдо МЧЖ омборида сақланмоқда. 11. 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и/ч., ДТ-75, д/р б/н. Бошланғич баҳоси – 11 046 744 сўм. Автотранспорт воситаси "Зафар қурилиш инвест" МЧЖ омборида сақланмоқда. 12. 14.11.2011 й. № 13122-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч., ГАЗ-5201, д/р 11 C 6984. Бошланғич баҳоси – 915 260 сўм. Автотранспорт воситаси "Зафар АТС" х/к омборида сақланмоқда. Савдога Миробод туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 13. 24.05.2012 й. № 18072/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч., ВАЗ-2106, д/р 01 T 784 FA. Бошланғич баҳоси – 2 847 472 сўм. 14. 24.05.2012 й. № 18074/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2007 й. и/ч., Матиз, д/р 01 J 987 EA. Бошланғич баҳоси – 13 692 713 сўм. 15. 24.05.2012 й. № 18075/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч., Матиз Бест, д/р 01 B 673 DA. Бошланғич баҳоси – 15 002 190 сўм. 16. 16.04.2012 й. № 13410/5-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч., Нексия, д/р 01 U 969 CA. Бошланғич баҳоси – 24 975 000 сўм. 17. 24.05.2012 й. № 18082/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч., Нексия 150, д/р 60 843 WAA. Бошланғич баҳоси – 24 271 460 сўм. 18. 24.08.2011 й. № 15697/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 1975 й. и/ч., ВАЗ 2103, д/р 30 U 0113. Бошланғич баҳоси – 1 776 366 сўм. 19. 12.07.2011 й. № 11671/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и/ч., ВАЗ 21074, д/р 30 Z 9634. Бошланғич баҳоси – 12 415 227 сўм. 20. 01.06.2012 й. № 18927/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1985 й. и/ч., Москвич-412, д/р 01 Q 293 CA. Бошланғич баҳоси – 1 699 067 сўм. 21. 24.05.2012 й. № 18076-79/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и/ч., Эпика, д/р 01 V 077 HA. Бошланғич баҳоси – 60 298 445 сўм. 22. 01.12.2011 й. № 25109/21-сонли ижро ҳужжатига асосан 1988 й. и/ч., ЗАЗ 968, д/р M 4954 TH. Бошланғич баҳоси – 208 617 сўм. 23. 10.05.2012 й. № 16629/6-сонли ижро ҳужжатига асосан 1980 й. и/ч., Москвич-412, д/р 30 M 8549. Бошланғич баҳоси – 734 108 сўм. Юқоридаги автотранспорт воситалари Тошкент шаҳар ИИББ Ахборот Марказида сақланмоқда. Савдога Бўка туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 24. T-28x4MC1, д/р б/н. Бошланғич баҳоси – 5 767 200 сўм. 25. 2-ПТС 4793, д/р б/н. Бошланғич баҳоси – 1 458 000 сўм. 26. ВАЗ 2103, д/р 10 Z 393. Бошланғич баҳоси – 2 998 335 сўм. Савдога Пискент туман СИБ томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: 27. 09.08.2011 й. ижро ҳужжатига асосан 1995 й. и/ч. ГБА-СПГ-ВАЗ-2106, д/р 10 F 531 CA. Бошланғич баҳоси – 3 070 305 сўм. Автотранспорт воситаси Пискент туман ҳокимлигига қарашли нотураржой бўлган Одил тоғa кўчаси, 3-уйда сақланмоқда. 28. 24.12.2009 й. ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и/ч. КамАЗ-5320, д/р 11 Z 9600. Бошланғич баҳоси – 4 230 454,50 сўм. Автотранспорт воситаси Пискент туман "Бунёдкор" МЧЖда сақланмоқда. Аукцион савдоси 2012 йил 8 октябрь куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

# «Tashkent Realtor Service» МЧЖда 30 августда бўлиб ўтган аукцион савдоси натижаси:

| № | Объектнинг номи | Жойлашган манзили | Бошланғич баҳоси (сўмда) | Сотилиш баҳоси (сўмда) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Умумий ер майдони 18,5 Га бўлган, шундан 11,2 Га ер майдонида жойлашган 1200 дона "олхўри" дарахти ва 300 дона "олма" дарахтларидан ташкил топган "боғ" | Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Туркистон" ҚФЙ, Тўқимачи массиви | 28 000 000 | 32 200 000 |

Лицензия: RR-0008.

Утерянный аттестат O`RB № 056016 об окончании лицея "International house" при ТИМСХ, выданный в 22.06.1999 году регистр. № 18 на имя Файзуллаевой Шахло Назруллаевны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Чилонзор туманида рўйхатга олинган "AJIO KONSALT" МЧЖ (СТИР 201836424)га тегишли бўлган янги таҳрирдаги таъсис ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа тумани ҳокимияти томонидан 2007 йил 24 октябрдаги 001856-01 реестр рақами билан рўйхатга олинган (СТИР 300599188, манзил: Тошкент ш., Учтепа тумани, Чилонзор 11-мавзе, 20-А уй) "MOXINUR SERVIS" масъулияти чекланган жамияти 2012 йил 19 сентябрдаги 3-сонли таъсисчиларнинг баённомасига мувофиқ

**ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 276-85-94 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати" томонидан "SANOBAR" МЧЖ номига расмийлаштирилган 2012 йил 20 январдаги ТА 1377459 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную гувохному (рег. № 004311-08 от 06.11.08г.) и устав общества с ограниченной ответственностью "Central NEFT GAZ MONTAJ" (ИНН 300978451), зарегистрированное отделом регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом Т № 005748 (рег. № 103), выданный 1 марта 2003 году Ташкентским банковским кредитным колледжом на имя Ахкиямовой Фании Монзиловны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "GARANT GLOBAL" (ИНН 300526554), зарегистрированное хокимиятом Мирабадского района г. Ташкента за реестр. № 002683-03 от 19.10.2009 году, расположенное по адресу: г. Ташкент, Мирабадский район, ул. Нукус, д. 86, кв. 1, добровольно ликвидируется с 01.10.2012г. на основании решения учредителя ООО "GARANT GLOBAL" от 20 сентября 2012 года.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.

ИП ООО "CHAYTRANS", зарегистрированное в Министерстве Юстиции за № 4411 от 21.05.2010г. производит слияние с ИП ООО "BERZAN TRANS", зарегистрированное в Мин. Юстиции РУз за № 4630 от 05.09.2012г.

Правопреемником ИП ООО "CHAYTRANS" является ИП ООО "BERZAN TRANS".

Претензии принимаются в течение месяца по тел.: 277-23-66.

ООО "EXCLUSIVE-PROF" (ИНН 302269826), расположенное по адресу: г. Ташкент, ул. Шароф, дом 39, зарегистрированное хокимиятом Учтепинского района 12 апреля 2012 году за № 005108-01, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Решение учредителя от 19 сентября 2012 года).

Претензии принимаются в течение одного месяца.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 17.05.2012 й. № 11-1232/3223-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Янги аул қишлоғида жойлашган «Ғишт заводи». Бошланғич баҳоси – 240 399 000 сўм. 2. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 17.05.2012 й. № 11-1232/3223-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Янги аул қишлоғида жойлашган ғишт ишлаб чиқариш ускунаси. Бошланғич баҳоси – 132 459 984 сўм. 3. Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан 17.05.2012 й. № 11-1232/3223-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Янги аул қишлоғида жойлашган ерусти газ қувури. Бошланғич баҳоси – 60 102 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 8 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Савдога қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 4. Оҳангарон тумани СИБ томонидан 23.08.2011 й. № 4488/4489/4490/4491/4492/4493/4494/4495/4496/-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Озодлик қ.ф.й., Эйвалек қўрғонида жойлашган нотураржой. Бошланғич баҳоси – 40 949 349 сўм. 5. Оҳангарон тумани СИБ томонидан 23.08.2011 й. № 4488/4489/4490/4491/4492/4493/4494/4495/4496/-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Озодлик қ.ф.й., Эйвалек қўрғонида жойлашган нотураржой. Бошланғич баҳоси – 14 001 600 сўм. 6. Қибрай тумани СИБ томонидан 20.12.2011 й. № 18281-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай ш.ф.й., Гулзор кўчаси 49-уй. Бошланғич баҳоси – 705 639 000 сўм. 7. Қибрай тумани СИБ томонидан 08.08.2012 й. № 14678-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай ш.ф.й., Зебинисо кўчаси, 20-уй, 9-хонадон. Бошланғич баҳоси – 35 635 063 сўм. 8. Қибрай тумани СИБ томонидан 28.04.2010 й. № 11-1019/2653-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қипчоқ қ.ф.й., ҳудудида жойлашган ферма бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 108 000 000 сўм. 9. Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан 16.05.2011 й. № 2785-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув қ.ф.й.да жойлашган "Омухта ем" омборхона биноси. Бошланғич баҳоси – 82 500 000 сўм. 10. Бекобод тумани СИБ томонидан 05.12.2011 й. № 24069-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Бекобод тумани, «Шова» маҳалласида жойлашган уй жой. Бошланғич баҳоси – 310 340 316 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 23 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 23 октябрь куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 7 ноябрь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76. Лицензия: RL-0052.

**«SPARETRA» МЧЖда 2012 йил 10 июлдан 20 сентябргача ойлар давомида кимошди савдо натижалари тўғрисида маълумот**

| Савдо санаси | Ким томонидан савдога қўйилган | Автотранспорт номи, ишлаб чиқарилган йили ва давлат рақами | Бошланғич баҳоси (сўм) | Сотилиш баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|
| 11.07.2012 | Ўз. Рес. Иқтисодиёт вазирлиги маъмурий биносидан фойдаланиш бошқармаси | 1986 й. и/ч. "Зил-130", д/р. 10 AC 504 | 9 599 013 | 10 200 000 |
| 17.07.2012 | Шайхонтоҳур тумани СИБ | 2010 й. и/ч. "Нексия Д", д/р. 01 481 JBA | 20 930 550 | 22 500 000 |
| | | 2009 й. и/ч. "Матиз", д/р. 01 H 824 BA | 12 600 000 | 13 500 000 |
| | | 1994 й. и/ч. "Ваз 21063", д/р. 01 G 273 AA | 4 119 414 | 4 500 000 |
| | Қибрай тумани СИБ | 2006 й. и/ч. "Нексия GLE", д/р. 01 E 816 AA | 14 485 000 | 23 000 000 |
| | | "Нексия", д/р. 01 J 112 BA | 13 050 000 | 13 950 000 |
| | | 1984 й. и/ч. "Ваз 2106", д/р. 10 Z 785 AA | 3 640 000 | 3 950 000 |
| | | 1996 й. и/ч. "Нексия", д/р. X 584 BLN | 7 793 146 | 8 400 000 |
| 20.07.2012 | Бекобод шаҳар СИБ | 2003 й. и/ч. "Дамас", д/р. 10 G 388 BA | 12 120 000 | 13 100 000 |
| 30.07.2012 | Олмазор тумани СИБ | 2005 й. и/ч. "Ласетти", д/р. 01 P 566 FA | 21 800 000 | 23 150 000 |
| | Юнусобод тумани СИБ | 2007 й. и/ч. "HUAJUNZCZ5257GJBHW", д/р. 10 BE 728 | 115 184 464 | 121 200 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1975 й. и/ч. "Ваз-21011", д/р. 11 S 9211 | 1 145 772 | 1 225 000 |
| | Олмалиқ шаҳар СИБ | 2008 й. и/ч. "ГБА Дамас СПГ", д/р. 11 A 272 CA | 11 095 806 | 11 850 000 |
| 03.08.2012 | Зангиота тумани СИБ | 1988 й. и/ч. "ЭО-2621В2", д/р. 33-12 EP | 3 879 000 | 4 300 000 |
| | Чирчиқ шаҳар СИБ | 1992 й. и/ч. "Опел Вектра", д/р. 10 D 275 BA | 6 699 174 | 7 300 000 |
| | Олмалиқ шаҳар СИБ | 2001 й. и/ч. "Нексия" русумли, д/р. 11 S 1020 | 16 855 335 | 17 800 000 |
| 06.08.2012 | Миробод тумани СИБ | 2006 й. и/ч. "Ваз 21074", д/р. 01 W 610 AA | 10 669 906 | 11 300 000 |
| | | 1974 й. и/ч. "Ваз 2101", д/р. 30 B 4783 | 1 719 156 | 1 870 000 |
| | | 1987 й. и/ч. "Москвич 2125", д/р. 01 P 268 EA | 423 144 | 455 000 |
| | | 1999 й. и/ч. "Nexia", д/р. 01 P 465 DA | 13 712 850 | 14 700 000 |
| | | 2010 й. и/ч. "Эпика", д/р. 10 N 717 DA | 51 000 000 | 54 000 000 |
| | | 1995 й. и/ч. "Газ 31022", д/р. 01 V 696 CA | 4 355 436 | 4 700 000 |
| | | 2005 й. и/ч. "Ласетти", д/р. 30 O 6597 | 27 000 000 | 28 900 000 |
| 09.08.2012 | БВО Сирдарё | 1996 й. и/ч. "Дамас", д/р. T 049406 | 3 208 800 | 3 700 000 |
| 14.08.2012 | Мирзо Улуғбек тумани СИБ | 2009 й. и/ч. "Шевролет Эпика", д/р. 01 M 000899 | 42 201 000 | 44 700 000 |
| | | 2008 й. и/ч. "Лада-21074-110-30", д/р. M 9043 | 10 005 000 | 10 700 000 |
| | | 2008 й. и/ч. "Лада-21074-110-30", д/р. M 9044 | 10 074 000 | 10 700 000 |
| | Шайхонтоҳур тумани СИБ | 2007 й. и/ч. "Нексия Донс", д/р. 01 H 778 HA | 17 648 290 | 19 050 000 |
| | | 2007 й. и/ч. "Нексия Сонс", д/р. 01 Y 775 HA | 18 300 000 | 19 650 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 2009 й. и/ч. "SINOTRUK HOWO", д/р. 01 425 QAA | 80 385 811 | 83 400 000 |
| | Миробод тумани СИБ | 2008 й. и/ч. "Матиз", д/р. 10 N 149 BA | 10 942 900 | 11 850 000 |
| | | 2010 й. и/ч. "Матиз", д/р. 01 Y 126 FA | 14 741 490 | 15 700 000 |
| | | 2010 й. и/ч. "Матиз", д/р. 01 B 322 GA | 15 550 100 | 16 800 000 |
| | | 2010 й. и/ч. "Матиз", д/р. 01 T 214 FA | 15 313 500 | 16 300 000 |
| | | 1984 й. и/ч. "Ваз-21063", д/р. 01 S 476 FA | 4 068 865 | 4 400 000 |
| | | 1988 й. и/ч. "Ваз-21063", д/р. 10 Q 016 EA | 3 124 645 | 3 500 000 |
| | | 2000 й. и/ч. "Ваз-21099", д/р. 01 T 013 HA | 10 000 000 | 10 600 000 |
| | | 2009 й. и/ч. "Матиз", д/р. 01 L 125 BA | 17 000 000 | 18 350 000 |
| | | 1981 й. и/ч. "Ваз-2106", д/р. 01 W 243 EA | 1 947 700 | 2 150 000 |
| | | 2006 й. и/ч. "Нексия Донс", д/р. 70 E 180 DA | 22 327 360 | 23 900 000 |
| | | 1998 й. и/ч. "Нексия", д/р. 10 N 7464 | 14 609 220 | 15 525 000 |
| | | 2006 й. и/ч. "Матиз", д/р. 01 D 746 EA | 12 000 000 | 12 750 000 |
| | Янгийўл тумани СИБ | 2005 й. и/ч. "Ваз 21070-110-20", д/р. 11 AK 870 | 5 920 220 | 6 450 000 |
| | | 1981 й. и/ч. "ГБАСПГГАЗ-24", д/р. 10 A 319 DA | 2 017 934 | 2 250 000 |
| 21.08.2012 | Тошкент шаҳар хокимияти ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси | 1995 й. и/ч. "Сиело", д/р. 10 TH 468 | 3 088 677,5 | 3 550 000 |
| | Оҳангарон тумани СИБ | 1991 й. и/ч. "ТЦ 11м-1/20", д/р. 10 1799 AA | 10 000 000 | 10 600 000 |
| | | 1986 й. и/ч. "Камаз 5410", д/р. 10 E 343 EA | 10 000 000 | 10 600 000 |
| | Чирчиқ шаҳар СИБ | 2006 й. и/ч. "Матиз", д/р. 01 Y 036 AA | 9 719 775 | 10 400 000 |
| | Қибрай тумани СИБ | 1986 й. и/ч. "Ваз-21063", д/р. 11 K 2442 | 3 965 574 | 4 300 000 |
| 24.08.2012 | Бўка тумани СИБ | 2009 й. и/ч. "Матиз", д/р. 01 F 192 HA | 8 186 360 | 12 600 000 |
| 29.08.2012 | Миробод тумани СИБ | 2008 й. и/ч. "Дамас", д/р. 30 A 3903 | 11 373 000 | 12 450 000 |
| 03.09.2012 | Охангарон тумани СИБ | 1986 й. и/ч. "Ваз-21063", д/р. 10 M 315 EA | 3 917 590 | 4 300 000 |
| 06.09.2012 | Миробод тумани СИБ | 2010 й. и/ч. "Матиз", д/р. 01 791 VAA | 11 730 622 | 12 400 000 |
| | | 2004 й. и/ч. "Ваз-21070", д/р. 10 N 8899 | 9 818 226 | 10 500 000 |
| | Бекобод шаҳар СИБ | 1978 й. и/ч. "УАЗ-452Д", д/р. 11 M 3476 | 2 521 393 | 2 750 000 |
| 07.09.2012 | Бектемир тумани СИБ | 1988 й. и/ч. "Ваз-21063", д/р. 01 Z 749 BA | 3 696 838 | 4 000 000 |
| | | 2010 й. и/ч. "Матиз", д/р. 50 R 403 BA | 15 500 000 | 16 400 000 |
| | | 2007 й. и/ч. "Матиз Бест", д/р. 01 E 332 FA | 16 717 865 | 17 700 000 |
| 10.09.2012 | Олмалиқ шаҳар СИБ | 1983 й. и/ч. "Газ 5327", д/р. 10 885 RAA | 6 077 150 | 6 550 000 |
| 11.09.2012 | Миробод тумани СИБ | 2005 й. и/ч. "Нексия", д/р. 30 U 7395 | 18 379 260 | 19 600 000 |
| | | 2006 й. и/ч. "Нексия", д/р. 10 J 447 BA | 19 325 835 | 20 600 000 |
| | | 1990 й. и/ч. "Ваз 21063", д/р. 01 P 928 JA | 4 361 361 | 4 700 000 |
| | | 2008 й. и/ч. "Матиз", д/р. 01 D 338 CA | 12 800 000 | 13 550 000 |
| | | 2008 й. и/ч. "Матиз", д/р. 10 E 122 DA | 13 152 000 | 13 950 000 |
| | Бектемир тумани СИБ | 2009 й. и/ч. "Ласетти", д/р. 10 S 393 EA | 32 000 000 | 33 950 000 |
| | | 2008 й. и/ч. "Нексия", д/р. 10 K 787 CA | 18 000 000 | 19 200 000 |
| | Зангиота тумани СИБ | "Камаз-53212", д/р. сиз | 14 159 000 | 15 100 000 |
| | Қибрай тумани СИБ | 1986 й. и/ч. "Камаз", д/р. X 520 EAM | 8 846 068,9 | 9 500 000 |
| | Янгийўл тумани СИБ | 1988 й. и/ч. "Ваз-21063", д/р. 11 W 2694 | 3 269 457 | 3 600 000 |
| | Бекобод тумани СИБ | 1981 й. и/ч. "Зил 133 ГЯ", д/р. 10 Z 238 AA | 14 942 678 | 15 900 000 |
| | | 1993 й. и/ч. "Дайхатсу", д/р. X 714 NLM | 2 266 908 | 2 600 000 |
| | | 2000 й. и/ч. "Ваз-2107", д/р. 10 V 4795 | 4 566 387 | 5 000 000 |
| 17.09.2012 | Юқори Чирчиқ тумани СИБ | 2005 й. и/ч. "Нексия", д/р. 10 656 QAA | 20 661 000 | 22 050 000 |
| | Олмалиқ шаҳар СИБ | 2001 й. и/ч. "Нексия", д/р. 01 T 619 JA | 18 588 000 | 19 740 000 |
| | | 2007 й. и/ч. "Changan", д/р. 11 E 3404 | 7 789 028 | 8 325 000 |
| | | "Ласетти", д/р. 10 E 383 EA | 42 760 000 | 45 500 000 |
| | Бекобод тумани СИБ | 2001 й. и/ч. "Дамас", д/р. 10 R 264 EA | 7 808 660 | 8 425 000 |
| | Миробод тумани СИБ | 2008 й. и/ч. "Эпика", д/р. 10 N 7707 | 40 500 000 | 43 050 000 |

Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: 266-80-76. Гувоҳнома № 004593.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ва Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши Ўзбекистон Халқ шоири, сенатор, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлими раиси Маҳмуд Тоировга волидаи муҳтарамаси

**РАФИҚА ая**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Паркент тумани ҳокимлиги Ўзбекистон Халқ шоири, сенатор, "Паркент тонгги" газетаси муҳаррири Маҳмуд Тоировга волидаи муҳтарамаси

**РАФИҚА ая**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси "Тошвилдавэкоэкспертиза" бош эксперти Абдукарим Абдураимовга падари бузруквори

**ҲАБИБУЛЛА ота**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ФУТБОЛ

**Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг чорак финал босқичидаги дастлабки учрашувни сафарда Австралиянинг "Аделаида Юнайтед" клубига қарши ўтказиб, 2:2 ҳисобида дурангга эришди.**



# «БУНЁДКОР» САФАРДА ДУРАНГ ЎЙНАДИ

Учрашувнинг биринчи бўлимида майдон эгалари 2:0 ҳисобида устунлик қилаётган эди. Аммо, бўлим охирида ҳакам томонидан белгиланган жарима тўпини Жасур Ҳасанов дарвозага жойлаб, ҳисобни қисқартиришга эришди.

Ўйиннинг иккинчи ярмида Миржалол Қосимов шогирдлари ҳужумкорликни оширди. 75-дақиқада захирадан майдонга тушган Шавкат Саломов "Аделаида Юнайтед" дарвозасига яна битта гол киритишга муваффақ бўлди.

Жавоб учрашуви 3 октябрь куни Тошкентдаги "Жар" стадионида бўлиб ўтади.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ҲАЁТ МАНЗАРАЛАРИ

# «ИШ БОШИ» ОТА

Кўчамиз ёқасидаги хонадонда ёши саксонни қоралаб қолган, аммо ҳаракатлари ҳануз чаққон отахон истиқомат қилади. Асли исмлари Худойберган. Лекин бизлар "Иш боши" ота деймиз. Қария доимо ҳушёр, жиддий. Ҳар ишда бош-қош.

– Анави иш битдими? Кўча муюлишига шағал тўкилдими? Ҳайдарнинг томидан чакка ўтаётганди. Қўли қисқароқ, озроқ суяб юборайлик, хўпми?

– Ота, томни тўғирлаб қўйдик, – деймиз.

Иш боши яйраб кетади:

– Баракалла, болаларим. Ахир у бегона эмас. Шу маҳалланинг боласи. Қилган ишингизни сира миннат қилманглар. Ўнг қўлинг қилган савоб ишни чап қўлинг билмагани маъқул.

Иш боши ота саранжом-саришталикни ёқтиради. Ўз уйида бўлса майли-я, қўни-қўшни, ҳатто, бир кўча наридаги хонадон атрофида ахлат уюмларини кўрса бас, тоқат қилолмайди. Дарров ўша оила бошлиғини ҳузурига чорлаб, изза қилади.

– Тозалашга чоғинг келмаётган бўлса, айт, мен қарашвораман, – дейди.

Бамаъни хонадон соҳиби ўринли танбеҳдан зийрак тортади. Кўплашиб, ўша заҳоти ён-атрофини чиннидек қилишга киришади.

Таассуфки, кўчамизда ҳаммани бирдек масъулиятли деб бўлмайди. Лоқайд, "бўлса бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар" қабилида кун кечираётганлар ҳам йўқ эмас. Бундайлар иш бошини ёқтирмайдилар. Рўпара келиб қолишса, ўзларини кўрмаганга оладилар.

Ота узундан-узоқ кўчамизда қанча хонадон бору қанча жон яшайди, кимнинг уловию кимнинг соғин сигири бор, ким томорқасидан иккиуч бор ҳосил олаяпти, ким каттагина ернинг умрини зое кетказмоқда, ҳаммасини билади. Хуллас, ота кўчамизнинг тирик термометрига ўхшайди.

Ҳар битта кўчага, ҳар бир маҳаллага шундай шуури уйғоқ, ҳаммани лоқайд бўлмасликка ундаб турадиган отахонлар, кайвони онахонлар жуда-жуда керак. Зеро, улар бизни ҳамиша ҳушёрликка ундайдилар. Покиза ва ораста яшашга ўргатадилар.

**Собиржон ИНОМОВ.**

XXI аср ва ДУНЁ

## ҚАМОҚДА... РЕСТОРАН ОЧИЛДИ

**BBC News Уэльс пойтахти Кардифф шаҳридаги қамоқхонада ресторан очилгани ҳақида хабар тарқатди.**

Янги умумий овқатланиш муассасасининг ходимлари маҳбусларнинг ўзларидан иборат. Озиқ-овқатларни тайёрлаш ва мижозларга хизмат кўрсатиш учун у қадар хавфли бўлмаган, яъни енгил жиноят содир этган маҳбуслар танлаб олинган.

The Clink Cymru номини олган ушбу лойиҳа хайрия хусусиятига эга. Ғоя муаллифларининг фикрига кўра, ресторанда ишлаш маҳбусларга озодликка чиқишга тайёрланишга ёрдам бериши, шунингдек, уларга ижобий таъсир ўтказиши ва шу орқали келажакда оғир жиноятларнинг камайишига замин яратиши мумкин. Ресторанга келувчи хўрандаларга эса, бу ердаги вазият маъқул келиши керак.

Чунончи, ресторан менюсига мувофиқ озиқ-овқатларнинг сифати ҳам, нархи ҳам мақбул даражада. The Clink Cymruда топиладиган ҳамма нарса - мебелдан то нонгача бевосита маҳбусларнинг қўллари билан тайёрланади.

Кардиффдаги бу ресторан ягона эмас, албатта. Илгари шундай ресторан Суррей графлигидаги High Down қамоқхонасида очилган эди.



## ШАҲАР ЎЗ ВАЛЮТАСИГА ЭГА

**Британиянинг Бристол шаҳри ҳокими Питер Мэйн маҳаллий дўконлардан бирига кириб, бир бухонка нонга маҳаллий валюта – бристол фунти билан пул тўлаб, уни муомалага киритди, деб ёзди The Financial Times.**



Бристол Бирлашган Қироллликда ўз пул бирлигига эга бўлган ягона шаҳарга айланди. Янги пул харид қуввати жиҳатидан оддий фунтга тенг. Шаҳар турли қийматга эга бўлган 125 минг фунт миқдорида пул босиб чиқарди. The Sunнинг ёзишича, 5 фунтли купюрда бристоллик кўча рассоми Бэнкс чизган граффитлар тасвирланган.

Ушбу дастурга қўшилишга 350 та ташкилот розилик билдирди. Кейинчалик эса 1000 тачаси қўшилиши мумкин. Бу лойиҳага энг бошиданоқ қўшилганлар умумбритан фунтини бристол валютасига 5 фоизли чегирма билан алмаштириш имкониятига эга бўладилар.

Шаҳардаги майда савдо нуқталарининг аҳволи ушбу янги валюта жорий этилишига сабаб бўлди. Гап шундаки, маҳаллий аҳоли қўшни шаҳарларга бориб харид қилишни маъқул кўришиб, маҳаллий майда дўконларга камдан-кам киришади. Лойиҳа муаллифларининг таъкидлашича, ушбу дастурда йирик савдо тармоқлари иштирок этмайди. Асосий мақсад – янги валюта воситасида айнан маҳаллий ишлаб чиқарувчи ва сотувчиларни қўллаб-қувватлаш.

МУСОБАҚА

# КИЧКИНТОЙ – ШИРИНТОЙ

**Қибрай туманидаги 6-умумтаълим мактаби биносида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси вилоят филиали, халқ таълими бошқармаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳамкорлигида таълим муассасалари ўртасида "Кичкинтой – ширинтой" спорт мусобақасининг вилоят босқичи ўтказилди.**

Қизиқарли кечган мусобақада 1-ўринни Чирчиқ шаҳар 39-мактабгача таълим муассасасидан "Қуёшли", 2-ўринни Бўстонлиқ тумани 4-мактабгача таълим муассасасидан "Лочин", 3-ўрин Зангиота тумани 31-мактабгача таълим муассасасидан "Қалдирғоч" жамоалари эгаллашди.

Ғолиблар ҳамкор ташкилотларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

ДИҚҚАТ, МУАММО!

# ҚАЛТИС ИШ – КЕЛТИРАР ТАШВИШ

Ёз ойлари иссиқ авжига чиққан кезларда оилавий саёҳат қилиш, тоғ ҳавосидан баҳраманд бўлиш, чўмилиб, ҳордиқ чиқариш жонга ором бағишлайди.

Кузатсангиз, вилоятнинг Бўстонлиқ туманидаги дам олиш масканлари, сув ҳавзалари бўйларида ҳордиқ олувчилар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Ёзнинг дастлабки кунларидан бошлаб, то кузги салқин тушгунига қадар бу жойларда ҳар куни минг-минглаб дам олувчиларни учратиш мумкин.

Ҳаётда ҳамма нарсанинг ўз қоидаси, йўл-йўриғи бўлгани каби, дам олиш, чўмилиш, кўнгил очишга хизмат қилувчи сув транспортларидан фойдаланишнинг ҳам тегишли талаблари, меъёрлари мавжуд. Лекин доим ҳам уларга риоя қилинавермайди. Айниқса, қайиқ, катамаран, скутер каби воситаларга белгиланганидан кўп одамлар миниб олган ҳолларни ҳам учратиш мумкин. Қолаверса, уларда белгиланган тезлик меъёрига кўпчилик амал қилмайди. Бу воситаларни ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этмаган ҳолда бошқариши эса, кўпинча кўнгилсизликлар юз беришига сабаб бўлади.

Шу йил июль ойининг айни жазирама кунларидан бирида пойтахтнинг Учтепа туманида яшовчи Тўлқин исмли 20 ёшли йигит "Пирамида" дам олиш масканида "Yamaha" русумли скутерни ҳайдаб бораётиб, бошқарувни эплай олмай, рўпарасидаги катамаранда сузиб кетаётган фуқароларни уриб юборди. Катамаранда бўлганларнинг уч нафари касалхонага тушди, бир қиз эса, тўқнашувда олган жароҳатлари сабабли сувга чўкиб, ҳалок бўлди.

Чорбоғ сув омборининг Юсуфхона соҳилидан тахминан 200-300 метр узоқликда юз берган бошқа ҳодиса ҳам бир инсоннинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлди. Бўстонлиқ туманида яшовчи Ортиқ бошқарув ҳуқуқини берувчи ҳужжатга эга бўлмаса-да, кичик ҳажмли кемага 20 ёшли Алексей ва вояга етмаган Анналарни йўловчи тариқасида ўтқазиб олган ҳолда бошқариб кетаётиб, кескин бурилди. Натижада йўловчиларнинг бари сувга қулади, Алексей эса чўкиб кетди.

33 ёшли Игорь "Пирамида" дам олиш масканида кичик ҳажмли кемани бошқариб бораётиб, рўпарасидан келаётган скутер билан тўқнашиб кетди. Натижада Игорь бош мия ёпиқ жароҳати ва яна бир қатор жароҳатлар билан туман марказий шифохонасининг жонлантириш бўлимида вафот этди. Бошқа бир қатор ҳолатларда эса, фуқаролар турли даражада тан жароҳатлари олишди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан бу ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Тергов давомида Бўстонлиқ туманидаги "Пирамида" ва бошқа оромгоҳларнинг дам олиш ҳавзаларида кичик ҳажмли катамаран, скутерларда ҳеч қандай хавфсизлик қоидаларига риоя қилинмаган ҳолда, хавфсизлик анжомларисиз ва бошқарув ҳуқуқини берувчи ҳужжатларсиз хизмат кўрсатилаётгани аниқланди.

Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари Бўстонлиқ тумани давлат солиқ инспекцияси, табиатни муҳофаза қилиш бўлими, "Давлатбионазорат" инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган текширувлар натижасига кўра, "Пирамида" ва "NBU" дам олиш масканлари ҳудудидаги скутерлар сув ҳавзасидан чиқарилиб, дам олиш масканлари маъмуриятининг масъул ходимлари ҳамда скутерлар эгалари хавфсизлик юзасидан огоҳлантирилди.

Бизнингча, аввало, инсон ўз ҳаётини азиз билиб, лаҳзалик қувончнинг қурбони бўлишдан сақланиши лозим. Шу ўринда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг жойлардаги масъул ходимлари ҳам масалага чуқурроқ эътибор қаратишлари зарурлигини таъкидлаймиз.

**Рустам АБДУЛЛАЕВ,**
**вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари.**

НИГОҲ

# ЭКСТРЕМИСТЛАР БИЛАН ҲАМҚАДАМ

**Республикада диний экстремизмга қарши кураш айни қизғин паллада. Таҳлилчи ва диний етакчилар "Ҳизб ут-Таҳрир", "Таблиғ" ва бошқа диний экстремистик ташкилотларни танқид қилишаётган кўрсатувлар марказий каналлар орқали намойиш этилаяпти. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари худди советлар давридагидек руҳда экстремистлар фаолиятига чек қўйилаётгани ҳақида дадил ҳисоботлар бермоқда.**

**Пойтахт аҳолиси ниҳоят енгил нафас олди: "Бишкекнинг қўли" жанублик бебошларнинг ҳиқилдоғидан маҳкам бўғди, демак, энди бетайин инқилоблар бўлмайди!**

Аммо, буларнинг ҳаммасини кузатиб, кўриб туриб, беихтиёр қичқиргинг келади: "Йўқ, ишонмайман!" Негаки, биз биламиз, милициямиз фақат ойлик маоши ҳисобигагина яшамайди. Очиғини айтганда, давлат бераётган бу арзимас сариқ чақа уларга керак ҳам эмас. Бизнинг милиционерларимиз бир йил давомида тўкин-сочин яшашга етадиган маблағни бир ойда топишади.

Энди Ўш вилояти ички ишлар бошқармасининг диний экстремизмга қарши кураш бўйича 10-бўлими ходимлари "ҳизбутчи" сифатида ҳибсга олинган Новкат туманилик Турсунмамат ва Маматкарим исмли кимсаларни нима учун қўйиб юборишгани тушунарли бўлса керак. Ҳолбуки, тинтув чоғида улардан экстремистик руҳдаги адабиётлар ва бошқа тарғибот-ташвиқот воситалари тортиб олинган эди. Бу ҳақда бизга ушбу туманнинг расмий мусулмон руҳонийлар вакиллари гапириб бердилар. Улар ҳам "погонли нусха"ларнинг бундай хатти-ҳаракатларидан таажжуб ва хайратдалар.

Ўш вилоятининг Қорасув туманида ҳам айнан шундай воқеа-ҳодисотлар бўлиб турибди. Милиция эса, Фурқат шаҳарчасида истиқомат қилувчи Умаровлар оиласи каби "акромийлар" уруғ-аймоқлари фаолиятидан кўз юммоқда.

Оила бошлиғи Ашур Умаров 2005 йилги Андижон воқеалари пайтида ўз ўғилларини ёнига олиб, жангариларни қўшни Ўзбекистонга ўтказиб юборишда фаол қатнашди. Аммо, прокуратуранинг "доимо уйғоқ" кўзлари Умаровнинг ҳамқишлоқлари миясини "акромийлик" ғояси билан зўр бериб заҳарлаётганини ҳеч кўрмаяпти. Балки, Умаровлар оиласи маҳаллий аҳолига нисбатан олганда анча бой-бадавлат бўлгани учун шундайдир?

Дарвоқе, Ашур Умаровнинг катта ўғли Раҳмон яқинда хотини ва болаларини олиб, Россияга, доимий яшаш жойига кетди. Бундай имконият озмунча маблағ талаб қилмайди. Бу ўринда россиялик куч қўлловчи органлар ходимлари ўзларининг қирғиз ҳамкасбларига нисбатан чаққонроқ чиқиб, "акромийчи"ни муносиб "кутиб" олишларига умид боғлашдан ўзга чора йўқ.

Нафсиламрини айтганда, коррупциянинг ҳар ерга етадиган узун хартумлари, ҳатто, чекистларнинг "ҳалол-пок қўллари"га ҳам бемалол пора тутқазаётган экан, юқоридаги ҳолатларга ажабланмаса ҳам бўлади. Акс ҳолда "жиҳодчи"ларнинг Ўш ҳаракати етакчиси Ислом Исоқовни қўлга олиш операцияси барбод бўлганини қандай тушуниш мумкин? У ҳибсга олинишидан хабар топиб, илматешик қирғиз-қозоқ чегараси орқали вақтида Россияга қочиб қолишга эришди. Ахир ушбу чегарани Давлат миллий хавфсизлик қўмитаси қўриқлайди-ку?!

Юқоридагилардан келиб чиқиб, дадил хулоса қилиш мумкинки, республикамиз ҳукуматининг навбатдаги хайрли мақсадлари ҳам юртимизни гуллаб-яшнаш йўлидан яна тойдириб, кейинги йилларда анъана бўлиб қолган эски йўлга солиб юборади.

**Муканмедий ДУЙШЕНАЛИЕВ.**
**Центр Азия.**

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

# МУҚАДДАС НОМИНГНИ ЁЗДИМ ҚАЛБИМГА



Она тили ва адабиёти ўқитувчиси Муқаддас Ирзақулова дарсга якун ясади. Хонада бир қиздан бўлак ҳеч ким қолмади. Ўқитувчи унга савол назари билан нигоҳ ташлади.

Қиз шуни кутиб тургандай, сумкасини очиб, газета олди. Мураббийсининг ёнига бориб:

– Туманимиз газетасида шеърим чиқди. Ўқиб кўринг, – деди.

Устоз жиддий қиёфада шеърни ўқишга киришди:

*Муқаддас номингни*
*ёздим қалбимга,*
*Тупроғинг кўзимга тўтиё*
*айлаб.*
*Лойиқсан ҳар қандай*
*шону-шарафга,*
*Мен доим яшайман*
*мадҳингни куйлаб,*

*Туғилган жойимсан, она*
*заминим,*
*Ўсиб-улғайганман сенинг*
*бағрингда.*
*Отамсан, Онамсан ҳам*
*оға-иним,*
*Минг ашъор битгайман*
*сенинг ҳақингда.*

*Сендан йироқлашиш мен*
*учун ўлим,*
*Бир умр пойингга бошим*
*ургайман.*
*Сен учун доимо кўксимда*
*қўлим,*
*Сен учун энг гўзал боғлар*
*қургайман.*

*Энг гўзал истагим – мангу*
*бўл обод,*
*Қуёшинг порласин,*
*азиз Ватаним!*
*Ўғил-қизларингдир сенга*
*қўш-қанот,*
*Эй, менинг диёрим –*
*Ўзбекистоним!*

Устознинг юз-кўзларига табассум югурди. Аллақандай ифтихор ҳисси билан ўқувчисини бағрига босди...

Ижод намуналари билан туман газетасида мунтазам қатнашиб келаётган бу қизнинг исми Рушана Қобилова. Ундаги интилишни пайқаган отаси Комил Қобилов қизининг ўқиши, ўз устида ишлаши учун шароит яратиб берди. 2005 йил Қуйи Чирчиқ туманидаги 25-мактаб остонасига қадам қўйган Рушана намунавий хулқи, билимга чанқоқлиги билан ўқитувчилар назарига тушди. Унинг бу тиришқоқлигини мактаб раҳбарияти ҳар йили мақтов ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирлади. Бу рағбатлантиришлар уни янада кўп ўқишга, тинмай изланишга ундарди...

Дастлаб туман, кейин вилоят босқичида она тили ва адабиёт фани бўйича ўтказилган "Билимлар синови"да фахрли биринчи, республика миқёсида эса иккинчи ўринни қўлга киритди.

Рушана бўш вақтларида миллий ва жаҳон адабиётининг забардаст вакиллари яратган дурдоналарга мурожаат қилади, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати, қалб кечинмалари, изтиробу ташвишларига шерик бўлади.

Рушана мактаб қошида ташкил этилган тўгаракларга қатнашиш билан бирга инглиз тилини кунт билан ўрганяпти. "Бу тилни ўрганишимдан мақсад миллий адабиётимизни таржима қилиб, дунё аҳлига етказиш ва танитиш" дейди у.

Муқаддас Ирзақулова Рушана Қобилованинг қўлларидан тутиб, ҳаяжон билан деди:

– Шеърларингни тўплаб китоб қиламиз. Зулфия номидаги давлат мукофотини қўлга киритишингга ишонаман. Сен буни уддалайсан.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОРЛИ БЎЛИНГ

**Кузда маҳаллалардаги шахсий уйлар ва кўп қаватли биноларнинг атрофлари, йўл четларидаги ўт-ўлан, шох-шаббалар ёз бўйи қуриб, тайёр ёнғин манбаига айланади. Бу эса, назоратсиз қолган ёш болалар ўйин қилиб олов ёқишлари натижасида ёнғин чиқиб, фуқароларнинг уйлари, омборхона, автоуловни сақлаш қурилмаларига хавф солади.**

Ачинарлиси, ўйин оқибатида содир бўлган ёнғинлар фуқароларга катта миқдорда зарар етказмоқда.

Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида туман ёнғин хавфсизлиги ходимлари маҳаллаларда, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида, корхона ҳамда ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги борасида кўплаб суҳбатлар ўтказишмоқда.

Ёнғинларнинг олдини олишда нафақат мазкур соҳа ходимлари, балки фуқаролар ҳам фаол иштирок этиб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймасликлари лозим.

**Шухратилла УМАРОВ,**
**28-ҲЁХҚ кичик инспектори.**

РАССОМ ХАНДАСИ




caricatura.ru

## СКРИПКАЛАР ПИРИНИ ҲУКМ КУТМОҚДА

**Венада ноёб мусиқа асбоблари қийматини баҳоловчи ва сотувчи, обрў-эътиборли немис Дитмар Махолд устидан суд жараёни бошланди, деб ёзади Der Standart.**

Австрия прокуратураси уни ўзгалар мулкини талон-торож қилиш ҳамда ўзига ишониб топширилган мусиқа асбобларидан шахсий қарзларини ёпишликда айбламоқда. Шунингдек, фирибгарлик, ўзининг хонавайрон (банкрот) бўлганини яширганликка оид айбловлар ҳам юкланмоқда. Унинг бизнеси 2006 йилдаёқ инқирозга юз тутган эди, аммо хонавайрон бўлганини 2010 йилга келиб тан олди.

2009 йилда банк Махолднинг қарзи эвазига унинг Айхбюхл уй-қасрини сотиш ҳақида таҳдид қилганди. Аммо, скрипкалар пири қасридан ажраб қолишдан қўрқиб, банкка иккита ноёб скрипка берди. Ўзига воситачи сифатида топширилган бир неча скрипкани чет элга сотиб юборди. Жумладан, Страдиваринин 1727 йилда ясалган скрипкасини 1,7 миллион еврога пуллади. Мустақил эксперт 1,5 минг евро деб баҳолаган асбобга Махолд 300 минг доллар нарх қўйди. Ҳатто, амалда 3 минг евро атрофида турадиган оддий скрипкани "бу Страдивариники" деб беш миллион евро нарх белгилади.

Прокуратуранинг фирибгарликка оид айбловини Махолд инкор этаяпти. Аммо, қўйилаётган айбловлар тасдиғини топса, унга ўн йил қамоқ жазоси берилиши мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 7050. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.00. 12345